
“Баркамол авлод болалари” фестивали ғолиблари тақдирланди

Учкўприк тумани болалар мусиқа ва санъат мактабида “Баркамол авлод болалари” республика фестивалининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Таъкидлаш лозимки, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Баркамол авлод” болалар мактаби томонидан ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг мактабдан ташқари таълим соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказиб келинаётган “Баркамол авлод болалари” фестивали кўплаб истеъдодли ўқувчиларни ўз атрофига жамлаган.

Учкўприк туманида ҳам фестивалнинг 7 йўналиши бўйича иқтидорли ўқувчилар саралаб олинди. Жумладан, “Маданият ва санъат”, “Техника, конструкторлик ва моделлаштириш”, “Жисмоний тарбия ва спорт”, “Ҳунармандчилик ва қўл меҳнати”, “Туризм ва экология”, “Олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов”, “Хорижий тиллар” каби йўналишларда ўқувчилар ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Фестиваль ғолиблари ва фаол иштирокчилар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2024-11-02 15:43:50